

Анвар Анджанович ХУДОЯРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат
туризми кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди
anvarxudoyorov111@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН “ZIYARAH TOURISM” БРЕНДИНИ ХАЛҚАРО ТУРИЗМ БОЗОРЛАРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИДА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

РАЗРАБОТКА МАРКЕТИНГОВОЙ КОНЦЕПЦИИ ПРИ ИНТЕГРАЦИИ УЗБЕКСКОГО БРЕНДА «ZIYARAH TOURISM» НА МЕЖДУНАРОДНЫЕ ТУРИСТИЧЕСКИЕ РЫНКИ

DEVELOPMENT OF THE MARKETING CONCEPT IN THE INTEGRATION OF THE UZBEK BRAND «ZIYARAH TOURISM» TO INTERNATIONAL TOURISM MARKETS

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг халқаро ташиқлотлар ва хорижий давлатлар билан туризм соҳасида алоқалар ўрнатиши ва ривожлантириши, мамлакатимизга туристлар оқимининг кириб келишини кўпайтириши, туристларга хизмат кўрсатиши учун барча шарт-шароитларни яратиши, хизмат кўрсатиши сифати ва маданиятини ошириши, соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ташиқлий-иқтисодий механизмлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар. Кластер, зиёрат туризми, диверсификация, тадбиркорлик, стандарт, ҳамкорлик, тажриба, ҳуқуқий асослар, хавфсизлик, ҳуқуқий-иқтисодий база.

Аннотация. В данной статье приводится как Узбекистан устанавливает и развивает

связи с международными организациями и зарубежными странами в области туризма, увеличивает поток туристов в нашу страну, создает все условия для туристов, повышает качество и культуру услуг, а также рассмотрены организационные и экономические аспекты регулирования туризма кластерным методом управления.

Ключевые слова. Кластер, полонический туризм, диверсификация, предпринимательство, стандарт, партнерство, опыт, правовая база, безопасность, правовая и экономическая система.

Annotation. One of the important factors in the development of tourism in our country is peace, stability, mutual understanding and solidarity. Our country has long attracted people from the most developed countries of the world for its beautiful and diverse nature, rich history, architectural monuments and great scholars. It is noteworthy that the first step in the development of pilgrimage tourism to the country has been taken.

Keywords. Cluster, tourist, tourism, diversification, entrepreneurship, standard, partnership, experience, legal framework, security, legal and economic system.

Халқаро сайёҳлик бозорларида маркетинг фаолияти миллий сайёҳлик корхона ва ташиқлотларининг жаҳон бозорларида рақобатбардошликни эгаллашга қаратилган самарали фаолиятининг асосий механизми сифатида намоён бўлади. Мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида “Ziyarah tourism” бренди асосида рақобатбардош миллий туристик маҳсулотни яратиш ва жаҳон туризм хизматлари бозорига олиб чиқишда интеграциялашган маркетинг концепциясининг ишлаб чиқилиши соҳанинг ривожланишига хизмат қилади. Биламизки, қадимда турли минтақаларнинг ўзаро иқтисодий-маданий, диний, ижтимоий муносабатларида зиёрат туризмнинг ўрни ўзига хос хусусиятлари ва аҳамиятига эга бўлган.

“Бу ўз навбатида ҳудудлар ўртасида иқтисодий муносабатларни ҳамда давлатлар ўртасида ахборот ва маълумотларнинг алмашувини таъминлашга хизмат қилган. Шу билан бир қаторда, маданий қадриятларнинг ривожланишида асосий восита вазифасини

бажарган. Қитъалар ва давлатларнинг интеграциялашуви натижасида цивилизациялар-аро мулоқот учун қулай шарт-шароитлар вужудга келган ва ривожланиб борган” [5:31.]. “Ўзбекистон ўзининг бой маданий ва маънавий мероси, меъморий ва тасвирий санъати, тарихий обидалари билан ҳамда Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Яссавий, Абу Исо ат-Термизий, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур каби кўплаб дунёга таникли машҳур ва буюк аждодларимиз дунё олимлари ва сайёҳларини ўзига жалб этиб келмоқда [9:58.].


Ўзбекистон туризм индустриясининг бугунги кундаги ривожланиш тенденциялари халқаро туризм бозорларидаги ўзимизга хос ўрнимиз ва нуфузимизни кўрсатади. Таҳлиллар натижаларига кўра, миллий зиёрат туризми брендини жаҳон сайёҳлик бозорларига олиб чиқиш борасидаги масалалар етарли даражада ўрганилмаган. Натижада, “Ziyarah tourism” брендини яратиш ва унинг асосий тамоилларини ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистоннинг бой маданий ва маънавий мероси, меморий ва тасвирий санъати, тарихий обидаларини халқаро туристик бозорларга олиб чиқишни фаоллаштириш талаб этилади.

Бугунги кунда “Ziyarah tourism” бренди шакиллантириш оркали зиёрат туризми, диний-маърифий, таълим ва маданият соҳаларида халқларнинг, динларнинг, миллатларнинг ҳамжиҳатлиги ва ўзаро бағрикенглигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, савдо ва инвестиция соҳаларида қулай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш ҳамда илмий тадқиқот марказларининг ҳамкорлигини таъминлайди.

Жаҳон иқтисодиётида шиддат билан ўсиб бораётган рақобат шароитида “Ziyarah tourism” брендини яратиш ва интеграциялашган маркетинг концепциясидан самарали фойдаланиш орқали халқаро бозорларда имижимизни оширишга, улушимизни кенгайтиришга хизмат қилади. Халқаро туризм индустрияси бозорларида амалга оширилаётган маркетинг фаолиятига оид тадбирлар туризми

маркетинги хусусиятлари доирасида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш учун соҳанинг ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва тадқиқотлар олиб бориш натижасида “Ziyarah tourism” брендини яратиш ва уни халқаро туризм бозорларига олиб чиқишда интеграциялашган маркетинг концепциясини амалга ошириш модели ишлаб чиқилди (1-расм). Мазкур моделдаги стратегик мақсад миллий ва халқаро туристик ассоциациялар даражасида амалга ошириш устувор масалалардан бири этиб белгиланган.



**1-расм. Муаллиф томонидан ишлаб
чиқилган “Ziyarah tourism” брендини
шакллантиришда интеграциялашган
маркетинг концепцияси амалга ошириш
моделли**

Натижада зиёрат туризмида макро, мезо ва микро даражаларида амалга ошириладиган интеграциялашган маркетинг концепцияси сайёҳлик корхона ва ташкилотларнинг имкониятларини сайёҳлик маҳсулоти истеъмолчилари талабларига мослаштиришга йўналтирилган маркетинг тадбирлари йиғиндисидан ўз аксини топади. Мақсадга эришишда истеъмолчилар талабларини қондирувчи сайёҳлик маҳсулотларини тақдим этиш ва реализация қилиш истикболда истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш ҳамда бозорда рақобатбардошлик муҳитини мустаҳкамлаш учун туристик корхона ва ташкилотлар томонидан иқтисодий фойданинг ортишига қаратилган. Биз томондан илгари сурилаётган интеграциялашган маркетинг концепцияси мамлакатнинг жозибадор имижини яратиш орқали “Ziyarah tourism” брендини


халқаро туризм маҳсулоти истемолчиларига ижобий фикрларни шакллантириш, хорижий ҳамкор туроператорлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ва тартибга солишга йўналтирилган маркетинг тадбирларини жорий этишга қаратилган.

Таҳлилларга кўра, туризмда интеграциялашган маркетинг концепциясини ўзаро бир нечта даражада амалга ошириш зиёрат туризми бозорида ижобий самарага эришишнинг асосий муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Туризм индустриясида инновациялар бевосита ахборотлар ва ахборот технологиялари билан боғлиқ. Жаҳон иқтисодиётида ахборот технологиялари соҳасидаги янгиликлар туризм соҳасини инновацион ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Туризм индустриясида замонавий сайёҳлик бизнеси бутунги кунда замонавий ахборотлар логистикаси тизимларини амалиётга фаол татбиқ этиш билан ривожланиш, ўсиш кўрсаткичларини намоён қилмоқда.

Юртимизда туризм маҳсулотларининг хорижий истемолчилари ўртасида ўтказилган социологик сўровлар натижаларига кўра, туризм бозорининг потенциал ташқи истемолчилари мамлакатимиз туризм олами ва салоҳияти тўғрисидаги керакли маълумотларни топишда асосан туризм агентлиги ва бюрolari ҳамда дўстларининг маслаҳатлари ёрдамида қабул қилмоқда. Туризм индустриясининг ривожланишида мазкур ҳолат, ўз навбатида, зиёрат туризми бозорида аналитик-ахборотлар тизимини такомиллаштириш талабини келтириб чиқаради.

Миллий туризм бозорларида маркетинг ахборот тизими унумли ва самарали стратегик маркетинг қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумот ва ахборотларни жамлаш, таҳлил қилиш, тартибга солиш, баҳолаш ва тегишли каналлар орқали тарқатиш учун доимий, мунтазам ҳаракатдаги ресурс ва усуллар комплексидан иборат. Мунтазам ҳаракатдаги ресурс ва усуллар комплексининг маркетинг ахборот тизими тузилмасини тўртта асосий бўғинга ажратиш кўрсатиш мумкин. Яъни: ички ахборотлар тизими; маркетинг ахборотларини таҳлил қилиш тизим; бозор ҳолати бўйича маркетинг кузатуви тизими; марказий махсус маркетинг тадқиқотлари тизими.

Халқаро туризм бозорларида “Ziyarah tourism” брендини мустаҳкамлашда сайёҳлик корхона ва ташкилотларда маркетинг ахборот тизими фаолияти соҳа бўйича тегишли бошқарув қарорлари учун талаб этилган жиҳат ва ҳажмдаги ТРДҚ таркибидаги ахборот ва маълумотлар комплексини яратиш мақсадида тегишли ресурс ва технологиялар жамланишига йўналтирилган комплекс ҳаракатлар мажмуи ҳисобланиб, қуйида кўрсатилган маркетинг ахборот тизими концепциясида акс этади (2-расм).



2-расм. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ЎзТРДҚ таркибида марказлаштирилган зиёрат туризми ахборот базасининг таркибий тузилмаси

Зиёрат туризми бозорларида маркетинг услуб ва тамойиллари бўйича марказлаштирилган, тизимлаштирилган маълумот ва ахборотлардан жами халқаро ва миллий ташкилот ва корхоналарни ахборотлаштириш муҳитини ташкил этиб, барча мавжуд бўлимлар томонидан иш самарадорлиги ҳамда бошқарув мақсадларида қарор қабул қилишда фойдаланилиши мумкин.

Маркетинг ахборот тизими туризм бозорларида иштирок этувчи барча туристик корхоналар, шу билан бирга, алоҳида ташкилотда барча бўлимларни боғловчи марказий механизмга айланиши, улар ўртасида унумли, самарали ахборот ҳаракатини йўлга қўйиши ҳамда олинаётган ахборот ва маълумотларнинг очиқлиги, тўлиқлиги, ҳаққонийлиги ва ўз вақтидалигини таъминлайди. “Зиёрат туризми бозорларида маркетинг ахборот тизимининг натижавий маҳсулоти ахборот ва маълумотлар базаси ёки тегишли маркетинг ҳисоботлари кўринишидаги корхона ва ташкилотнинг

микромухити, макромухити ва ички муҳити ҳолатини кўрсатиб берувчи маълумотлар йиғиндиси ҳисобланади”[8:86]

Зиёрат туризми бозорларида маълумот ва ахборотлар тизими доирасида ахборотлар ҳаракатини нафақат вертикал, балки горизонтал ҳолдаги, яъни алоҳида битта бошқарув тузилмаси бўлимлари ўртасида ёки бошқармалараро тизимли алоқаларга оид ҳаракатлари кузатилади. Зиёрат туризми бозорларида иштирокчилар ўртасида ахборот айирбошлаш бўйича муносабатларнинг самарали амалга ошиши халқаро туроператорлар ва туристик ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини ташкил этишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидан бири ҳисобланади. Зиёрат туризми бозорларида ахборот ҳаракатлари ҳамда уларнинг тизимли оқимлари натижаси ҳисобланган марказий ахборот ва маълумотлар базасининг тузилмавий тавсифларини тадқиқ этиш, уларни шакллантириш, истиқболда улардан фойдаланиш унумдорлигини оширади.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш кўмитаси негизида сайёҳлик корхона ва ташкилотларини марказлашган ягона ахборот тизимига бирлаштирувчи, марказий ахборот ва маълумотлар базасини яратиш асосида республика сайёҳлик веб-порталини янада мукамал кўринишда такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур масаланинг ечими юртимизда зиёрат туризми соҳасининг самарали ривожланишини таъминловчи имкониятларни намоён этади. Шу билан бир қаторда “Ziyarah tourism” электрон платформаси негизида виртуал объектларнинг реал маконда акс эттириш QR-code технологиясини такомиллаштириш орқали маҳсулотларини диверсификация қилиш, уларнинг инновацион турлари бўйича ахборотлар тизимининг асосий негизи сифатида виртуал сайёҳлик филиал офислари яратилиши ва интерфаол сайёҳлик ахборотлар тизимини такомиллаштириш лозим.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида IT тизимининг реклама узатишдаги ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, истиқболни белгиловчи йўналишлардан ҳисобланади. Маълумки, бугунги кунда Amadeus, GTravel, Sabre, World Spar Service, Anollo ва бошқа йирик электрон тизимлар мамлакатимизда

иш олиб бормоқда. Ҳозирги кунда сайёҳлик индустрияси, айниқса, меҳмонхона фаолиятида автоматлаштирилган ахборот тизимининг резервлаш, расмийлаштириш, мижозлар тўғрисида доимий маълумот, интерфейс, бухгалтерия ҳисоби, таймшерлар ва бошқа йиғирмадан ортиқ йўналишидан самарали фойдаланилмоқда.

Ўзбекистонда зиёрат туризми бозорининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш тизимининг вертикал кўриниши маъмурий-бошқарув тузилмасининг тегишли бўғинларида мазкур бозорнинг унумли ва самарали фаолиятини таъминловчи тартибга солиш тизими элементларининг ўзаро мувофиқликдаги, мантиқий кетма-кетликдаги иерархик муносабатларидан иборат бўлади. Ўзбекистон зиёрат туризми бозори ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш тизимининг вертикал кесимидаги тузилмаси ишлаб чиқилди (3-расм).

Ўзбекистон зиёрат туризми индустриясининг жаҳон сайёҳлик бозорлари тизимга интеграциялашуви дунё халқлари, миллатлари ва динларининг яқинлашуви бағрикенгликни мустаҳкамлайди ҳамда иқтисодий барқарорликни таъминлайди. Ўзбекистон ислом оламида ўз тарихи билан юқори мавқега эга. Мусулмон сайёҳларнинг Имом Бухорий ат-Термизий, Мотурудий зиёратгоҳларига ташриф буюриш учун истаклари юқори. Шунингдек, зиёрат туристик бозори йилдан йилга кенгайиб, талаб ҳам ортиб бормоқда.



3-расм. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган зиёрат туризмни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни тартибга солиш тизимининг таркибий тузилмаси

Дунё мамлакатлари туристларини жалб қилиш ва зиёрат туризмни ривожлантириш орқали катта туристик оқимни йўлга қўйиш имкониятига эга. Шунинг учун зиёрат туризми инфраструктурасини шакллантириш, зиёратгоҳлар ҳақида маълумотлар базасини такомиллаштириш ҳамда зиёратчилар учун қулай шароитларни яратиш лозим бўлади.

Зиёрат туризми соҳасида Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти халқаро жамоатчиликни қизиқтираётганини, бу орқали юртимизга туристлар оқимини янада ошириш имкониятлари мавжудлигини инобатга олган ҳолда, мазкур соҳадаги қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда зарурий инфратузилмани барпо этишга йўналтирилган ташкилий-иқтисодий механизмни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон “Ziyarah tourism” бренди асосида мамлакатга хорижлик сайёҳларнинг оқимини кенгайтириш ва тегишли ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни кенгайтириш мақсадида ЎзХИА қошидаги Мотрудий халқаро илмий-тадқиқот марказида зиёрат туризми бўлимини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Марказда амалга оширилган илмий натижалардан фойдаланиш зиёрат туризмида миллий ва халқаро бозор талаблари шаклланиши ва ривожланишининг қонуниятлари ва асосий тенденцияларини ёритиб берада ҳамда рақобатбардош миллий туристик маҳсулотни халқаро туризм бозорига олиб чиқишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5611-сонли Фармони. 05.01.2019 й.
3. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармонида илова.

4. Эштеев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Автореферат. Самарқанд 2019.
5. Худояров А.А. Туризм ва меҳмонхона индустрияси асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Complers Print, 2020.
6. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Основы безопасности в туризме. Т.: Гос.науч.изд-во Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 367 с.
7. Мазин К.А. Паломничество и религиозный туризм: сравнение сквозь призму тысячелетий // Современные проблемы сервиса и туризма. – 2009. – № 4. – С. 8-24.
8. Худояров А.А., Абдурасулов Б.Б. Зиёрат туризмида логистика. Ўқув қўлланма. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2019.
9. Жиянов У. Ўзбекистонда зиёрат туризмнинг ривожланиш имкониятлари. “Ислом тафаккури” илмий-маърифий, диний-маданий, ахборот нашри. – Тошкент, 2020. Махсус сон. – Б. 58-62.
10. <https://uzbektourism.uz/uz/newsnews/>
11. <http://uza.uz/oz/tourism/zbekistonda-ziyerat-turizmi-2018-yilga-nazar-27-12-2018>
12. <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=992>
13. <http://uza.uz/oz/politics/turizmi-yanada-rivozhlantirish-masalalari-mu-okama-ilindi-03-10-2017>